

“Муболаға” концептуал семантикасини воқелантирувчи вербал ва новербал воситалар тизимига ҳос умумлисоний қонуниятлар

Қорабоев Ж.Б (катта ўқитувчи АДУ)

Мақола турли тизимдаги тилларда “муболаға” концептуал семантикасини воқелантирувчи вербализаторларнинг универсал жиҳатларини тизимли очиб беришга бағишланган бўлиб, унда илк бор асосий эътибор гиперболанинг лингвокогнитив, структурал, семантик, коммуникатив-прагматик, лингвокультурологик ва лингвистик аспектлари билан боғлиқ универсал жиҳатларига қаратилган.

Калит сўзлар: когнитив/концептуал семантика, универсал концептуал семантика, муболаға, вербализатор, гиперболизатор, вербал воситалар, авербал воситалар, лингвокогнитив майдон, тил универсалиялари, лисоний(лингвистик) универсалиялар, лингвостилистик универсалия.

The article is devoted to the systemic disclosure of the universal features of the verbalizers of the conceptual semantics of “hyperbole” as a trope in non-related languages, for the first time the main focus being made on the universal features of the hyperbole relating to its linguocognitive, structural, semantic, communicative-pragmatic, linguocultural and linguostylistic aspects.

Key words: cognitive/conceptual semantics, universal conceptual semantics, hyperbole, verbal means, averbal means, language universals, linguistic universals, linguostylistic universals.

Статья посвящена системному раскрытию универсальных свойств вербализаторов концептуальной семантики «гипербола» как тропа в языках разных систем, при этом впервые основное внимание уделяется на универсальные свойства гиперболы, относящиеся к ее лингвокогнитивному, структурному, семантическому, коммуникативно-прагматическому, лингвокультурологическому и лингвостилистическому аспектам.

Ключевые слова: Когнитивная/концептуальная семантика, универсальная концептуальная семантика, гипербола, вербализатор, гиперболизатор, вербальные средства, авербальные средства, языковые универсалии, лингвокогнитивное поле, лингвистические универсалии, лингвостилистические универсалии.

Ушбу мақолада универсал лингвокогнитив ва лингвостилистик категория - муболағанинг умумлисоний жиҳатларига эътиборни қаратамиз, чунки муболаға соҳасида бир қатор илмий ишлар амалга оширилганлигига қарамай, ушбу долзарб масала ҳанузгача тадқиқ объекти сифатида ўрганилмаган (Ахманова 1969; Медведева 1972; Курахтанова 1978; Суворина 1976; Қўнғуров 1976; Galperin 1977; Сыроваткин 1977; Убин 1974; Раскалей 1971; Курахтанова 1978; Медведева 1972; ; Убин 1974; Суворина 1976; Қўнғуров 1976; Galperin 1977; Сыроваткин 1977; Арнольд 1981; Полторацкий 1982; Шомақсудов 1983; Зупаров 1985; Арнольд, Бокий 1986;

Лекова 1987; Крысин 1988; Кунин 1989; Қиличев 1992; Ашырбаев 2000; Сагатова 2001и т.д.).

Қуйида биз стилистик восита “муболаға”нинг лингвокогнитив, структурал-семантик, коммуникатив-прагматик, лингвокультурологик ва лингвостилистик жиҳатларига оид умумлисоний табиатини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Инсон объектив дунёни инъикос қилар экан, уни бевосита концептуаллаштириш ва категориялаштириш каби универсал жараёнлар орқали ўзлаштиради. Бундай ҳолатда ушбу жараёнлар икки усулда кечади: 1) стихияли (яъни табиий равишда: инсон туғилиб, то тилда гапира олиш ва мулоқот юрита олиш қобилиятига эга бўлгунча); 2) онгли равишда (инсон туғилиб, тилда мулоқот олиб бориш қобилиятига эга бўлган пайтдан бошлаб, то умрининг охиригача). Иккинчи усулда зикр этилган жараёнлар икки муҳим йўналишда кечади: 1) вербал (тил) воситалари ёрдамида барча мулоқот турлар орқали (ёзма, оғзаки, шунингдек ўқиб, эшитиб ўзлаштириш орқали ҳам); 2) паралингвистик (новербал) воситалар (имо-ишоралар, турқаровот ифодалари ва тана аъзолари ҳаракатлари) орқали.

Инсон объектив воқеликни ўрганар экан, у бўйича билимларини бевосита юқорида зикр этилган икки муҳим, мураккаб ва универсал жараён, яъни концептуаллаштириш ва категориялаштириш жараёнлари орқали шакллантиради, бойитади ва кундалик мулоқотда қўллайди;

Инсон объектив борлиқ ҳақидаги тегишли барча билимларни “концептуал семантикалар” (Jackendoff 1993, 137), яъни «концептлар» орқали эгаллайди¹; Концептлар яхлит ментал тушунчалар бўлиб, инсоннинг тафаккури махсулидир (Кубрякова 2009, 18; Сафаров 2006, 24; Филлмор 1988, 52; Юсупов 2011. 49-55 ва бошқалар) ва у тилда сўзловчи/ёзувчининг концептосферасида мавжуд бўлади, ундаги мавжуд воқеликлар, яъни концептлар тилда бевосита акс этмай, рўёбга чиқарилмай (моддийлаштирилмай) иложи йўқ;

Категориялаштириш эса объектив борлиққа дахлдор барча мавжуд концептларни турлаштириш ва хиллаштириш билан бевосита боғлиқ бўлиб, ўхшатиш (ассоциация) ва фарқлаш (дифференциация) асосида уларни пухта ўзлаштириш ва қатъий бир тизимга солиш демакдир. Бу икки жараён доимо бирин кетин амалга оширилади, яъни олдин концептуаллаштириш кечади, ундан кейин эса категориялаштириш жой олади (акси мумкин эмас).

Турли тизимдаги инглиз, ўзбек ва рус тилларида “муболаға концептуал семантикаси”ни воқелантирувчи тил воситалари юзасидан олиб борган қиёсий типологик изланишларимиз шуни кўрсатдики, мазкур семантика универсал табиатга эга бўлиб, тилларда қуйидаги инвариант вербал воситалар орқали ифодаланар экан²: 1) фонема /унли `ёки ундош/ (ваҳоланки

¹ Ушбу илмий изланишда биз «концептуал семантика» деганда бевосита «концепт»ни тушунамиз, яъни улар синонимлардир.

² Муболаға концептуал-семантикасини воқелантирувчи вербал ва авербал воситалар ҳақида батафсилроқ қаранг: Карабаев Ж. Б. Лингвокультурологические особенности вербализаторов концептуальной семантики «гипербола» в языках разной типологической

бунда товуш чўзиб талаффуз, қилинади); 2) морфема; 3) лексема; 4) синтаксема (фразема (сўз бирикмаси) ва сентенсема (:содда, қўшма); 6) фразеоема³ (фразеологик бирлик); 7) текстема.

Экстрополяция методи орқали “муболаға концептуал семантикаси”ни воқелантирувчи ушбу инвариант тил бирликларининг бошқа тилларда ҳам мавжуд эканлигини аниқладик⁴:

Таблица 1

№	Языки Вербализаторы	Фоне- ма (мор фо фоне ма)	Мор- фема	Лек- сема	Фра- зема	Сен- тен- сема		Фразе- оема	Тек- сте- ма
						со дд а	қў шм а		
1.	инглиз	+	+	+	+	+		+	+
2.	немис	+	+	+	+	+		+	+
3.	швед	+	+	+	+	+		+	+
4.	француз	+	+	+	+	+		+	+
5.	испан	+	+	+	+	+		+	+
6.	итальян	+	+	+	+	+		+	+
7.	рус	+	+	+	+	+		+	+
8.	украин	+	+	+	+	+		+	+
9.	коми	+	+	+	+	+		+	+
10.	поляк	+	+	+	+	+		+	+
11.	чех	+	+	+	+	+		+	+
12.	болгар	+	+	+	+	+		+	+
13.	турк	+	+	+	+	+		+	+
14.	узбек	+	+	+	+	+		+	+
15.	азарбайджон	+	+	+	+	+		+	+
16.	қозоқ	+	+	+	+	+		+	+
17.	қирғиз	+	+	+	+	+		+	+
18.	туркман	+	+	+	+	+		+	+
19.	уйғур	+	+	+	+	+		+	+
20.	қорақалпоқ	+	+	+	+	+		+	+
21.	татар	+	+	+	+	+		+	+
22.	қорачой-балқор	+	+	+	+	+		+	+
23.	хитой	+	+	+	+	+		+	+
24.	тибет	+	+	+	+	+		+	+
25.	монгол	+	+	+	+	+		+	+
26.	корейс	+	+	+	+	+		+	+
27.	исланд	+	+	+	+	+		+	+
28.	дат(голланд)	+	+	+	+	+		+	+
29.	фриз	+	+	+	+	+		+	+
30.	индонез	+	+	+	+	+		+	+

Юқорида санаб ўтилган вербал (ва новербал) воситалар тизимлари тилларда лисоний “муболаға семантик майдон”ини ташкил этади, шу йўсинда инсон тафаккуридаги муболаға концептуал-семантик майдони ўз

принадлежности//Вестник Челябинского государственного университета. 2015. № 10 (365). Филология. Искусствоведение. Вып. 95. С. 74–80.


³ “Фразеоема” тушунчаси ва атамаси ҳақида қаранг: Хошимов Г.М. Принципы и методика типологического сопоставления сложных предложений. Андижан: Хаёт, 2016, . с.93.

⁴ Сведения о языках, подвергнутых когнитивно-типологическому анализу, получены из АБВУУ, а также из различных полиязычных словарей.

навбатида “лисоний муболаға семантик майдони”нинг когнитив асосини ташкил этади.

Одатда лисоний семантик майдонининг бир қатор аъзолари мавжуд бўлиб, улар эмик birlikлар, яъни концептуал семантик майдоннинг ядровий, доминант ва перифериал мақомга эга бўлган воқелантирувчилари, яъни вербализаторлари, бошқача айтганда, “конституэнт”лари бўлиб ҳисобланадилар (қаранг : 1- схема):

Схема 1



Когнитивно-семантическое поле «гипербола».

Шундай қилиб, қиёсий-типологик таҳлилларимиз натижаларига кўра муболағанинг қуйидаги умумлисоний – универсал жиҳатларини эътироф этишга асос бор деб ҳисоблаймиз:

1. ”Муболаға концептуал семантикаси” ёки “муболаға концепти” универсал табиатга эга, чунки у коммуникатив жиҳатдан зарур семантика(концепт) бўлиб, мулоқот учун муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода у ҳар бир тилда сўзловчи/ ёзувчи шахс концептосферасида мавжуд универсал ҳодиса бўлиб, ҳар қандай жонли тилда уни воқелантирувчи (руёбга чиқарувчи, моддийлаштирувчи) тил унсурлари тизими бор;
2. Юқорида эслатиб ўтилган вербал (тил) воситалари билан бир қаторда эҳтиёжга кўра мулоқотда авербал (паралингвистик) воситалар ҳам қўлланилиши мумкин, масалан, муболағалашган маънолар (семантикалар)ни новербал воситалар(турқ-тароват, юз, кўз(лар), лаб(лар), бурун, қош(лар),бош , елка ва тананинг бошқа аъзолари ҳаракатлари) орқали ифодалаш эҳтиёжи ҳам туғилиши мумкин. Шундай қилиб, вербал воситаларни тилшуносликда бир умуматама билан “вербализатор” (“репрезентант”, “актуализатор” ёки “объективатор”) лар

деб ҳам юритилади, авербал воситалар эса “паралингвистик воситалар” деб аталади;

3. Тилларда “муболаға концептуал семантика”сини воқеалантирувчи воситалар тизимида вербал воситаларнинг ўрни бошқача бўлиб, улар новербал воситалардан шуниси билан фаркланадиларки, биринчидан улар мазкур семантикани ифодаловчи махсус вербализаторлар бўлиб саналдилар, иккинчидан бундай вербализаторлар қўлланилганда “муболаға” концептуал семантикаси тўлақонли воқеалантирилади. Авербал (паралингвистик) воситаларга келсак, улар мулоқот ва вазият эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда чекланган равишда қўлланиладилар;
4. Ҳар бир жонли тилда “муболаға” концептуал семантикаси 7 та инвариант тил бирликлари (фонема (тўғрироғи морфофонема), морфема, лексема, синтаксема (фразема, сентенсема), фразеоема, текстема) орқали ифодаланади :
 - 1) “муболаға” концептуал семантикаси ҳар бир жонли тилда унли ва ундош **фонемаларнинг** чўзиб талаффуз этилиши (пролонгация) йўли билан воқеалантирилади, оқибат натижада мазкур фонемалар «морфофонема»ларга айланадилар, масалан, **инглиз тилида:** very, hellishly, devilishly, deep, too, absolutely, hardly, scarcely, barely, fairly, beautifully, astonishingly ⁵ ва ҳ.к. , масалан: it was a very long story. /E. Hemingway, Selected short stories, 146/- У жуда узун хикоя эди – это был длинный рассказ⁶; it is hellishly stinky here. /E. Hemingway, Selected short stories, 219/ - Бу ер ўлгудек сассиқ жой экан - Это чертовски вонючее место ; The water is devilishly cold. /E. Hemingway, Selected short stories, 117) – Вода была чертовски холодной;. 2) 75/); **ўзбек тилида:** 1) [y:] в словах типа совук, узун ва ҳ.к. , масалан: Ўша куни ҳаво совуқ эди(А.Қаҳҳор. Синчалак, 120) - В тот день было холодно– It was cold that day - Бозордан узун арқон олиш керак эди (А.Қаҳҳор. Синчалак, 200) –Надо было купить длинную веревку на базаре –It was necessary to buy a long rope at the market ; 2) [ў:] в словах типа ўта, [y:] - жуда, [э:] -энг, [о:] - роса, ниҳоятда, бағоят [е:] - бениҳоя, беҳад, бениҳоя, беҳимор, беҳисоб, ва ҳ.к., масалан: У ўшанда беҳад хурсанд эди(А. Қаҳҳор. Синчалак, 29) – Он тогда был очень рад – He was very happy then ва ҳ.к. ;
 - 2) “муболаға” концептуал семантикаси ҳар қандай жонли тилда **морфеманинг** мустақил ва боғлиқ турлари орқали воқеалантирилади(ягона,-single, биргина- only/lonely/ alone, ёлғиз – sole/solitary, олий - supreme, бари- all, ҳамма- everybody/everyone, бутун - all, батамом - entirely, тамоман – altogether/completely, -мас- in-/-less, -сиз-less, in-, un-, non- ва ҳ.к.);

⁵ Мақоланинг саҳифалари чекланганлиги муносабати билан унда адабий асарлардан ва луғатлардан олинган айрим мисоллар ва уларнинг информантлар томонидан маъқулланган таржималари фикримиз далили сифатида келтирилади.

⁶ Мақолада киёсланаётган тиллардаги муболағага мисоллар ва уларнинг таржималари мазкур тилларда муболағанинг тиллараро муқобиллик даражасини кўрсатиш учун берилган.

- 3) “муболаға концептуал семантика”си ҳар бир жонли тилда *лексеманинг* содда, ясама, кўшма, аралаш ва мураккаб турлари орқали воқеалантирилади: (ўлмас- immortal, қайтмас -reckless, енгилмас- invincible, кўринмас – invisible, борсакелмас/йўл/- no(n) return /path/, гадойтопмас/жой/ –a place that even the beggar cannot find/reach/ , иттопмас- a place that even the dog can not find/reach/ , итемас/ овқат/ – food that even the dog can not eat ва ҳ.к.);
- 4) “муболаға концептуал семантика”си ҳар бир жонли тилда *фразема(сўз бирикмаси)нинг* қуйдаги турлари билан воқеалантирилади: а) *координатив* (ёшу–қари, каттаю–кичик, бору–йўғим, (кўзимнинг) оқу–қораси) куч–қувватим, бор–бурдим, мол–дунёйим, жону–жаҳоним, еру–кўк, курраи –замин, олло–таоло, ақлу–заковот(им), толмас ва енгилмас, улмас ва унутилмас сиймолар, тинмас ва умрибоқий киши, almighty and sole (god), untiring and reckless, invisible and invincible, sole and sinless (god) eternal and earthy problems, neverending and useless debate); б) *субординатив* (ўлмас сиймолар, унутилмас кунлар, девдек йигит, тоғдек кўтарилди, осмондек мусаффо, итдек хароб, ўлгудек чарчаш, immortal names, untring fighter, invincible wresler, indivisible thing, unheard of); в) *предикатив* (talk neverending, disease incurable, man invisible, nick overtalking, jill overworking, ann overrunning, steve outspeaking, mary overthinking, аралаш (almighty god’s overblessing, untiring steve’s overjoy);
- 5) “муболаға концептуал семантика”си ҳар қандай жонли тилда сентенсеманинг содда, кўшма ва аралаш турлари, а н и қ р оғ и , *т а к с е м а л а р*⁷ орқали воқеалантирилиши табиий (масалан:, а) *монотаксемалар* , масалан, *инглиз тилида:* And she had earth on her hand (B. Erskine, Midnight is A Lonely Place, p. 83) – Бутун ер юзи унинг кафтида эди– Вся земля была у нее на ладони; *ўзбек тилида:* Унда минг паҳлавоннинг кучи бор(Ўзбек халқ эртаклари, 75) – У него есть сила тысячи богатырей –He has the power of thousands of strong men; б) *политаксемалар* , м а с а л а н : а) *темпорал компонентли гипотаксема билан*, масалан, *инглиз тилида:* ...I cried hundred times I am not alone (Theodore Taylor. The Cay, p. 258) –Мен ёлғиз эмасман деб юз марта бақирдим –Я кричал сто раз, что я не одинок; *ўзбек тилида:* У уйига ўқдай отилиб кирган пайтда, ҳеч ким йўқ экан (А.Қаҳҳор.Ўтмишдан эртақлар, б. 230) – Когда он как стрела влетел в дом, никого там не было – When he flew into the room as an arrow, there was nobody и т.д.; б) *предикатив компонентли гипотаксема билан*, масалан, *инглиз тилида:* My feet felt like they were a hundred pound each (Peter Abrahams, The Path of Thunder, p. 100) Менинг оёқларим ҳар бири юз фунт келадигандек сезилди Я чувствовал, что каждая из моих ног как бы весила сто фунтов; *ўзбек*

⁷ Таксема ва унинг монотаксема , политаксема, паратаксема, парентаксема, коллотаксема, гипотаксема, гипертаксема ва архитаксема каби турлари хақида батафсилроқ қаранг: Хошимов Г.М. Типология сложного предложения в разносистемных языках. АДД, Т., 2002. 18-24

тилида: Унинг ҳадиги шуки, ўғри ҳаммани ухлатиб, қоқ тунда келиши мумкин (А. Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар, 19) - Он опасается того, что вор может ворваться в самую глубокую ночь, когда все спят – His fear is that the thief might come in the dead of a night и т.д.; с) *атрибутив компонентли гипотаксема билан*, масалан, **инглиз тилида:** Now there's a smile you could die from. (Peter Abrahams, The Path of Thunder, p. 19)- Улыбка была убийственно красивая – Унинг табассуми жонни оладиган даражада гўзал эди; **ўзбек тилида:** У гадой топмас жойдан келди (А. Қаҳҳор. Синчалак, 59) – Он пришел от того места, которое даже не известно страннику – He came from a place which is totally unknown.

- 6) “Муболаға” концептуал семантикаси ҳар қандай жонли тилда **фразеомалар** орқали воқеалантирилиши кузатилади, масалан, «оёғини кўлига олиб югурмоқ» – to run at a breakneck speed, бошига кўтармоқ – to overrespect somebody, терисига сомон тикмоқ – to punish cruelly, каллангни оламан – I will cut your head off, бошинг кетади – your head will be cut off, бошинг билан жавоб берасан – stake one's life on smb., smth./ answer with one's life (head) for smth./ vouch for smb. with one's life» ва ҳ.к.;
- 7) “Муболаға концептуал семантика”си ҳар қандай жонли тилда **текстемалар** (градация ва климакслар, лофлар) орқали воқеалантирилади, масалан, **инглиз тилида:** 1) Threaten him, imprison him, torture him, kill him, you will not induce him to betray his country. (Л. Т. Бабахонова. УПС р.52). – Угрожай ему, посади его, измучай его, убей его, все равно ты неможешь заставить его изменять своей стране. – Сен уни кўрқит, камоққа тик, қийноққа сол, уни ўлдир, барибир сен уни ўз ватанига хиёнат қилишига мажбур эта олмайсан; 2) I have been other things as well: thief, pimp, blackmailer, not to mention “murderer” (Л. Т. Бабахонова, УПС р.52). – Я много чего перевидал и пережил на своем веку: был вором, сутенером, шантажером, не говоря уж о том, что был даже убийцей. – Менинг бошимдан кўп бошқа ишлар ҳам ўтган: ўғирлик ҳам қилганман, кўшмачилик ҳам қилганман, ифвогарлик ҳам қилганман, қотиллик қилганимни-ку айтмай кўяқолай; 3) Farmers wives who had strength, endurance and energy of locomotive and the appetites of dinosaurs were ever happy. And they never complained of anything in life (Л. Т. Бабахонова, УПС, р.52; - Жены фермеров, у которых была сила воля, терпение и энергия локомотива и аппетиты динозавров, были счастливыми. И никогда не жаловались ни на что-то в жизни. – Фермерларнинг хотинлари иродади, чидамли, саботли ва локомотивдек кучли эдилар, уларнинг иштаҳалари эса динозаврларникидан кам эмасди, улар жуда бахтиёр эдилар. Ҳаётдан улар ҳеч нолимас эдилар; **ўзбек тилида:** Алпқомат йигитлар бор кучларини ишга солиб, душманни ер билан яксон қилдилар, одамларни катта хавфдан ҳоли қилдилар (Ўзбек халқ эртақлари, 289) – Здоровенные парни применили все свои силы, чтобы окончательно

подавить врага, обеспечили им безопасную жизнь – Well-muscled guys did all what they could in order that should completely defeat the enemy, so then the people had a peaceful life there.

5. “Муболаға концептуал семантика”си ҳар бир жонли тилда икки усулда воқеалантирилади: 1) гиперболизатори имплицит(яширин) ифодаланган вербализаторлар орқали, масалан: Мен куйдим - I got burnt out, ўлдим- I am dead, Мен ёндим – I burnt out, Мен тўйдим(бу ғам -ташвишлардан)- I am fed up of all these troubles and problems, Мен тугадим - I am all finished, ёрилиб кетаман- I will burst out, тамом бўлдим - I am gone , ичимга сиғмай кетаман – I will burst out , dying, bursting, surrender, prioritize,maximize, magnify, hyperbolize, horrify,terrify, astounding, amazing, appalling, awful, awfully, superior, dominant, dominating, magnifying, exaggerate ва бошқалар; 2) гиперболизатори эксплицит(очик) ифодаланган вербализаторлар орқали орқали, масалан, *итдек* санқимок- to wander as a dog, *ўлгудек* қайсар – *deadly* stubborn, *шайтондек* маккор – as sly as a satan, *кечаюкундуз* тинмади – had no piece days and nights , *жаҳон* торлик қилди –*the world* was narrow for him , *outstanding* writer, *overwhelmed* party, *man killing* toil, *heart melting* talk, *heart to heart* chat(муболағали эпитетлар), *арслондек* олишмоқ- to fight *like a lion*, *отдек* соғ as *healthy as a horse*, *филдек* кучли – as strong as an elephant, *тулкидек* айёр – as sly as a fox, *қушдек* енгил –as light as a bird , *пардек* юмшоқ- as soft as a feather, *елдек* енгил – as light as a breeze ва ҳ.к .;
6. Ҳар бир жонли тилда “муболаға концептуал семантика”си икки асосий мантикий турга бўлинади: 1) ***ижобий муболаға семантикаси***(кўнгли тоғдек кўтарилмоқ - to be in seventh heaven – быть в седьмом небе , у девдек кучли - as strong as a lion – он силен как лев, киз бенихоя гўзал - the girl is extremely beautiful – девушка необычайно красивая ва бошқалар; 2) ***салбий муболаға семантикаси*** (итдек санқимок- to wander as a dog, ўлгудай чарчамок- to be dead tired, ўта маданиятсиз – very(extremely) uncultured, жуда кўпол –so very rude, роса калтафаҳм – very slow witted person, энг тартибсиз – so very chaotic, ортиқча хунук – extremely ugly ва бошқалар) ва ҳ.к.
7. Барча тилларда гиперболизатори имплицит равишда ифодаланган вербализаторлар метафорик ёки метонимик табиатга эга бўладилар(масалан, Мен куйдим – I got deadly tripped up, Мен ёрилиб кетдим – I lost my patience, Мен ўлиб бўлдим – I am dead(to the world), (юрагим)тошга айланди - my heart turned into stone, юрагим ёрилди- my heart burst out/my heart sank, устингдан шаҳар кулади –the city will laugh at you , вужудим ёнди - My body burnt out , юрагим ўртади - my heart was gnawing /my heart was burning, кўнглим бўзлади- my heart grieved/mourned, у дод -фарёд қилди- He burst out crying ва бошқалар).
8. Тилларда гиперболизатори имплицит равишда ифодаланган вербализаторлар куйидаги омилларга асосландилар: 1)қиёсга ёки ассоциацияга (кўнгли тоғдек кўтарилмоқ –to be in seventh heaven, осмондек мусаффо as clear as sky-, эна(она) сутидек ҳалол – as clean as

breast milk ва б.қ.); 2) мутлақлашиш (абсолютизация)га; 3) миқдор, сифат, марта, даража, ҳолат, вазият ва б.қ. устунлигига (минг чандон яхши - a thousand times better, яхшига бир қамчи, ёмонга минг қамчи - one whip is enough to the good, but a thousand whips are not enough to the bad, ер хайдасанг куз хайда, куз хайдамасанг юз хайда - It is better to plough the earth in autumn than a hundred times in other seasons, юз сўм пулинг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин - Have not a hundred roubles but a hundred friends, Билимсиз бирни йиқар, билимли мингни - The illiterate defeats one, whereas the literate defeats thousands ва б.қ.).

9. Ҳар бир тилда муболаға концептуал семантикасини воқелантирувчи бирдан ортиқ вербал ва авербал воситалар бор бўлиб, улар бир катъий тизимни ташкил этади. Айнан мана шу тизим тилларда “муболаға лингвокогнитив майдони” мавжуд эканлигидан далолат беради.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда шунлай хулоса қилиш мумкинки, муболаға концептуал семантикаси универсал табиатга эга бўлиб, тилда сўзлашувчи/ёзувчилар тафаккурида мавжуд бўлган ментал концептуал ходисадир, у тилларда фонема, морфофонема, морфема, лексема, фразема, сентенсема, фразеоема ва текстема каби вербал инвариант воситалари ва эҳтиёжга кўра авербал воситалари орқали ҳам ифодаланади. Мазкур воситаларнинг барчаси объектив борлиқдаги инсон, хайвон, нарса ва ходисаларнинг миқдори, сифати, даражасининг тавсифини бир қадар муболағалаштириш учун хизмат қидади. Тиллардаги бундай воситалар тизими уларда муболаға лингвокогнитив майдони борлигидан далолат беради. Муболағага дахлдор барча воқелик шу майдоннинг ташкил этувчилари, яъни конституентлари воситасида воқелантирилади.

Тиллардаги муболағага дахлдор барча жиҳатлардаги ўхшаш томонлар муболағадек мулоқот учун зарур бўлган универсал ходисанинг лингвокогнитив асослари бир хил эканлигидан далолат беради. Бунинг устига тилларда муболаға вербализаторларининг инвариант турлари ҳам бир хил, бундай ҳолат эса тиллардаги гиперболик бирликларнинг ички (чуқур) структуралари ҳам ўхшашлигидан далолат беради⁸. Тиллардаги «муболаға концептуал семантикаси» вербализаторларининг универсал ва хусусий жиҳатларини аниқлаш ҳамда уларни тақозо этувчи омилларни очиқ бериш тилларни ўрганишда ва ўқитишда, шунингдек муболағани воқелантирувчи воситаларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишдаги қийинчиликларни бартараф қилишга пухта замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. М., 1973. 289 с.
2. Арнольд И.В., Бокий О.В. Гипербола как средство английской пародии II Системный анализ художественного текста. - Вологда: Изд-во гос.пед.инст. 1986. с. 8-15.
3. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов.- М., СЭ, 1969, 607 с.

⁸ “Муболаға концептуал семантикаси” вербализаторларининг ноўхшаш жиҳатлари тахлилига алоҳида мақола бағишланади

4. Ашырбаев Т. Тилдин фонетикалык жана лексикалык бирдиктеринин стилистик табияты. Автореф. дис...докт. филол. наук, Бишкек, 2000, 42 с.
5. Зупаров Т. У. Специфика узбекских народных дастанов и их художественно-изобразительные средства, АКД, Ташкент, 1985.
6. Карабаев Ж. Б. Лингвокультурологические особенности вербализаторов концептуальной семантики «гипербола» в языках разной типологической принадлежности// Вестник Челябинского государственного университета. 2015. № 10 (365). Филология. Искусствоведение. Вып. 95. С. 74–80.
7. Крысин Л.П. Гипербола в русской разговорной речи. / Проблемы структурной лингвистики. Сб. науч. тр. М.; Наука, 1988, с. 9-11.
8. Кубрякова Е.С. В поисках сущности языка: вместо введения // Когнитивные исследования языка. Вып. IV. Концептуализация мира в языке: коллектив, моногр. М.; Тамбов, 2009. - С. 11-24.
9. Кунин А.В. Гипербола в сфере английской фразеологии (О фразеологической гиперболе) // Английская фразеология в функциональном аспекте. - М.: ВАСХНИЛ, 1989- Вып. 336.- С. 85-93
10. Курахтанова И.С. Языковая гипербола и функциональная характеристика стилистического приема гиперболы (на материале англ. языка): Дисс... канд. фил. наук. М., 1978, 10 с.
11. Лекова М.В. Специфика гиперболы в языке англоязычной рекламы. Дисс... канд. фил. наук. Л., 1987, 169 с.
12. Медведева С.Ю. О лингвистической природе и функциях стилистического приема нарастания. Канд. дисс. М., 1972.
13. Полторацкий А.И. Английская терминология лингвистической стилистики. Дисс... канд. фил. наук. М., 1956, 230 с.
14. Сагатова Л. Гипербола и олицетворение в творчестве Агахи// Языковедение и иностранные языки, Т., 2001.
15. Сыроваткин С.Н. Явление гиперболизации в плане функциональной лингвосомиотики. В сб.: Вопросы лексикологии, стилистики и грамматики в аспекте общего языкознания. Калинин, 1977. , с. 106-130.
16. Убин И.И. Лексические средства выражения категорий интенсивности (на материале русского и английского языков). Канд. дисс., М., 1974.
17. Хошимов Г.М. Типология сложного предложения в разносистемных языках. АДД, Т., 2002. 18-24
18. Қиличев Э. Ўзбек тилнинг амалий стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1992
19. Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар, Самарканд, 1976.
20. Galperin I.R. Stylistics.- М.: Higher School, 1981.
21. Филлмор Ч. Фреймы и семантика понимания. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. –М.: Прогресс. 1988. –с. 52-92.
22. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. -Жиззах, “Санзор” нашриёти, 2006, 92 б.
23. Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультуреда атамалари хусусида//Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий амалий конференция материаллари.-Тошкент 2011. 49-55 бетлар.